

Ҳар бир инсон фаровонлиги учун!

Birgalikda ijtimoiy davlat saril!



Ўзбекистон Овози

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

№40

Maxsus son

2024-yil

3-oktabr, payshanba

1918-yil

21-iyundan chiqa boshlagan



ЖАМИЯТНИНГ ВИЖДОНИ, ТАРАҚҚИЁТНИ ЖАДАЛЛАШТИРУВЧИ КУЧ

ДУНЁГА НЕ-НЕ БУЮК
ЗОТЛАРНИ, АЛЛОМАЛАРНИ
ЕТКАЗИБ БЕРГАН ХАЛҚИМИЗ
УСТОЗНИ ОТАНГ КАБИ УЛУФ
БИЛ, ДЕЙДИ. МАЪРИФИЙ
ТАРАҚҚИЁТНИНГ БЕШИГИ
БЎЛГАН ЗАМИНИМИЗДА
АЗАЛДАН ИЛМ АҲЛИНИНГ,
УСТОЗЛАРНИНГ ЎРНИ,
МАВҚЕИ УСТУН САНАЛГАН.
МАМЛАКАТИМИЗДА 1 ОКТАБРЬ
– ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР
КУНИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ
СИФАТИДА КЕНГ НИШОНЛАНИБ
КЕЛИШИ ЗАМИРИДА ҲАМ БУ
КАСБ ЭГАЛАРИГА НИСБАТАН
УЛКАН ҲУРМАТ, БЕҚИЁС
ЭҲТИРОМ МУЖАССАМДИР.

УШБУ САНА АРАФАСИДА
ДАВЛАТ РАҲБАРИ ПЕДАГОГИК
МАҲОРАТ МИЛЛИЙ
ИНСТИТУТИДА ЎҚИТУВЧИ
ВА МУРАББИЙЛАР БИЛАН
МУЛОҚОТ ҚИЛДИ. УНДА
СОҲАНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА
ЧИҚАРИШ, ЎҚИТУВЧИ-
ПЕДАГОГЛАРНИНГ МАҚОМИНИ
ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ҲОЯТДА
МУҲИМ ГАПЛАР АЙТИЛДИ.

МАМЛАКАТИМИЗ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ
ЮКСАЛТИРИШ УЧУН
ЁШЛАРНИНГ СИФАТЛИ
ТАЪЛИМ ОЛИШИ ТАРАФДОРИ
БЎЛГАН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ ФАОЛЛАРИ БУ
БОРАДА ЎЗ МУЛОҲАЗАЛАРИНИ,
МУНОСАБАТИНИ БАЁН
ЭТДИЛАР.

7 САҲИФАДА

ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ АВЖИДА

8



ИЛМ ТАРҲИН ЧИЗГАН УСТОЗ

ИЛМ ЙЎЛИДА ҚЎЛИМИЗДАН
ТУТГАН, МАЪРИФАТГА ОШНО
ЭТГАН, ҲАЁТДА ЭРИШГАН
ЮТУҚЛАРИМИЗГА ЎЗ
ҲИССАСИНИ ҚЎШГАН ФИДОЙИ
ЎҚИТУВЧИЛАРИМИЗНИ ҲАМИША
МИННАТДОРЛИК БИЛАН ТИЛГА
ОЛАМИЗ. БУГУН СЎЗ ЮРИТМОҚЧИ
БЎЛГАНИМИЗ – НАМАНГАН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЎЗБЕК
ТИЛШУНОСЛИГИ КАФЕДРАСИ
ПРОФЕССОРИ, ФИЛОЛОГИЯ
ФАНЛАРИ ДОКТОРИ НОСИРЖОН
УЛУҚОВ ҲАМ АНА ШУНДАЙ
ЖОНКУЯР СОҲА ВАКИЛЛАРИДАН
БИРИДИР.

УСТОЗНИНГ ДАРС ЎТИШ, ФАНИ
ЎҚИТИШ УСЛУБИ ШУНЧАЛАР
ЎЗИГА ХОСКИ, ҲАР БИР ФИКРИДА
ҚИММАТЛИ ВА БЕТАКРОР МАЪНО
ВА МОҲИЯТ СЕЗИЛИБ ТУРАДИ.
ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ҲАР БИР ДАРСИ
ТАЛАБАЛАРНИНГ ХОТИРАСИДА
МУҲРАНИБ ҚОЛАДИ.

6 САҲИФАДА

ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ДАСТУР

Халқ демократик партиясининг
Сайловолди дастури ҳақида

БУГУН ДУНЁ МИҚЁСИДА БИР ТЕНДЕНЦИЯ ҚАРОР ТОП-
МОҚДА. БУ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ҲАР БИР ДАВЛАТ РИВОЖ-
ЛАНИШИ ВА БОШҚАРУВИНИНГ, ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА,
ТАЯНЧ УСТУНИГА АЙЛАНАЁТГАНИДИР. ДАРҲАҚИҚАТ,
ЖАМИЯТДАГИ ТУРЛИ ШАХСЛАР ҲАМДА ГУРУҲЛАР ЎРТА-
СИДАГИ ТЕНГЛИКНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА, ИЖТИМОЙ
АДОЛАТ ВА ИЖТИМОЙ МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШДА
УНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС.

ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ҲУКМРОН БЎЛГАН ДАВЛАТ БАРПО
ЭТИШНИ ЎЗИНИНГ ЭНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ, ДЕБ БИЛГАН ЎЗ-
БЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВ-
ОЛДИ ДАСТУРИДА ИЛГАРИ СУРИЛАЁТГАН ҲОЯ ВА ТАШАБ-
БУСЛАР АЙНАН ШУ МАҚСАДГА ҚАРАТИЛГАН.



7 САҲИФАДА

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Жорий йилнинг 2 октябрь куни
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши
бош штабида партия Марказий
Кенгаши раиси ўринбосари Улуғбек
Вафоев ва партия сайлов штаби
масъуллари МДХ Бош котиби
ўринбосари Д.Трефилов, МДХ
Ижроия қўмитаси Миссия штаби
раҳбари Е.В.Козьяк билан учрашув
ўтказди.

Учрашув давомида Марказий
Кенгаш раиси ўринбосари Улуғбек
Вафоев ҳорижий кузатувчиларга
дастлаб Ўзбекистон Халқ демократик
партияси томонидан бўлажак
сайловларда муносиб иштирок этиш
учун амалга оширилган ишлар,
жумладан, янги Сайловолди дастури
ва депутатликка номзодларни
шақллантириш жараёнлари ҳақида
маълумотлар берди. Шунингдек,
айни пайтда қизғин паллага кирган
сайловолди ташвиқотларида партия
ва номзодларнинг иштирокига
тўхталди.

7 САҲИФАДА



ҚОНУНИЙ ВА ХАВФСИЗ МИГРАЦИЯ ТАРАФДОРМИМIZ



Улуғбек ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Марказий Кенгаши раиси:

— Одамларнинг дунё бўйлаб эркин ҳаракатланиши, таълим олиб, меҳнат фаолиятини амалга ошириши глобаллашувнинг муҳим асосларидан бири ҳисобланади.

Халқаро миграция ташкилотининг охириги маълумотларига кўра, дунёда 281 миллиондан ортиқ муҳожир бор. 2000 йилда уларнинг сони 174 миллионни ташкил қилганини ҳисобга олсак, миграцияда ўсиш тенденциясини кўришимиз мумкин.

Экспертлар миграцияни иқтисодий тараққиётни ҳаракатлантирувчи, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамловчи кучли омил сифатида кўради. Статистик маълумотларга кўра, мигрантлар томонидан ўтказилган халқаро пул ўтказмалари 2000 йилда 128 миллиард доллар, 2024 йилга келиб 831 миллиард долларгача ўсган. Миграция дунёнинг нафақат иқтисодий тараққиётини, шу билан бирга, маънавий-маданий ривожланишини ҳаракатлантирувчи муҳим факторлардан биридир.

Бир сўз билан айтганда, бутун дунёда миграция ҳаётини масалага айланди. Янги Ўзбекистон жамиятида илм олиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлаш, имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимизда сўнгги икки йилда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан ташкилий равишда 70 минг нафар фуқаро ривожланган давлатларга меҳнат фаолиятини олиб бориш учун юборилган. Хориждаги фуқаролар масалаларини тезкорлик билан ҳал қилиш учун элчихоналар ва тегишли вазирликларда 24 соат ишлайдиган Call-марказлар ташкил этилмоқда.

Аmmo айрим мамлакатларда меҳнат муҳожирларининг ҳуқуқ-манфаатларига панжа ортидан қараш, уларга нисбатан турли тақиқларни жорий этиш устида бош қотирилаётган ҳолатлар ҳам бор. Бъзидан мигрантлардан давлатларнинг ички ишларига аралашуш учун дастак сифатида фойдаланишга уриниш ҳолатлари учраб турибди. Партиямиз миграциянинг қонуний ва хавфсиз бўлиши жуда муҳим, деб ҳисоблайди.

Мамлакатимиз кенг интеллектуал салоҳиятга, улкан меҳнат ресурсларга эга. Ўзбекистон дунёга очилди. Бу аҳолининг турли қатламларига ўқиш, меҳнат қилиш бўйича катта имкониятлар яратди. Бугунги фаол глобаллашув жараёнида қонуний миграция учун шароит яратилиши, албатта, ҳар бир юртдошимизнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши зарур. Айниқса, айрим давлатлар бу масалада чеклов позициясини эгаллаётган вазиятда изчил сиёсат юритилиши лозим, деб биламиз.

Шунинг учун Сайловолди дастуримизда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг фаолиятида очик-ошкораликни кучайтириш, агентликнинг хорижда меҳнат қилаётган ватандошларимизни қўллаб-қувватлаш бўйича масъулиятини ошириш мақсади белгиланган.

Партиямиз мигрантларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ишончли ҳимоялаш, уларни хорижда доимий равишда қўллаб-қувватлаш давлат томонидан қафолатланиши тарафдоридир.

ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ДАСТУР

Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастури ҳақида

Фирдавс ШАРИПОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши раиси ўринбосари:

БУГУН ДУНЁ МИҚЁСИДА БИР ТЕНДЕНЦИЯ ҚАРОР ТОПМОҚДА. БУ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ҲАР БИР ДАВЛАТ РИВОЖЛАНИШИ ВА БОШҚА-РУВИНИНГ, ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА, ТАЯНЧ УСТУНИГА АЙЛАНАЁТГАНИДИР. ДАРҲАҚИҚАТ, ЖАМИЯТДАГИ ТУРЛИ ШАХС-ЛАР ҲАМДА ГУРУҲЛАР ЎРТАСИДАГИ ТЕНГ-ЛИКНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА, ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ВА ИЖТИМОЙ МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШДА УНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС.

ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ҲУҚМОН БЎЛГАН ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИ ЎЗИНИНГ ЭНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ, ДЕБ БИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДА ИЛГАРИ СУРИЛАЁТГАН ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАР АЙНАН ШУ МАҚСАДГА ҚАРАТИЛГАН.

— Сайловолди дастуримизда партиянинг сиёсий майдондаги “сўл” позициясига хос ва мос равишда ижтимоий-демократик ғояларни ифодаловчи вазифаларга алоҳида устуворлик берилган.

Бу йилги Сайловолди дастуримизда 10 та йўналишда 15 та стратегик қадамдан иборат устувор мақсадлар ўрин олган.

Биринчи йўналиш. Ижтимоий барқарорликнинг таянчи бўлган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишга интиламиз!

Ушбу йўналишда ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиш, ижтимоий тафавутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини янги иш ўринлари ва қафолатли даромад манбаи билан таъминлаш бўйича самарали сиёсатни амалга оширишни мақсад қилганмиз. Шу боис, давлат аҳоли манфаатларини тўлақонли таъминлаш мақсадида кучли ижтимоий сиёсат юритиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Мазкур йўналишдаги ташаббуслар 3 та стратегик қадамда ўз ифодасини топади.

1-қадам. Ҳар бир шахснинг Конституция билан қафолатланган ижтимоий ҳуқуқларини адолатли ва самарали амалга оширилишини таъминлаш.

Авалло, Парламентдаги фракциямиз ижтимоий таъминот ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янги нормалар билан тўлдирдиш орқали Ижтимоий кодексни қабул қилишни мақсад қилган.

Давлат ўз фуқаролари учун ғамхўрлик қилиши керак. Шу мақсадда имтиёзга эга бўлган фуқаролардан ташқари бошқа оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган фуқаролар тоифаларини ва уларга кўрсатиладиган ёрдам турларини

ни қонунчиликда аниқ белгилаш лозим. Давлат унга ғамхўр эканлигини англаган фуқаро давлатдан рози, зарур бўлса унга фидойилик кўрсатишга ҳам тайёр бўлади. Бу давлат ва фуқаро ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлайди.

Шунингдек, биринчи қадамда ҳар бир инсоннинг бирламчи ҳаётини эҳтиёжларига етадиган энг кам истемол харажатларини қонун даражасида белгилаш мақсадида “Энг кам истемол харажатларини белгилаш тартиби тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш назарда тутилган.

2-қадамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг талаб ва эҳтиёжлари, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи энг олган.

Бунинг учун миллий қонунчиликни БМТнинг Ногиронлар учун тенг имкониятларни таъминлаш бўйича стандарт қоидаларига тўлиқ мувофиқлаштиришга эришмоқчимиз.

Жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар учун объектлар ва хизматларнинг қулайлиги миллий стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуннинг алоҳида қисми сифатида қонун даражасида мустаҳкамлаш белгиланган. Қолаверса, темир йўл вокзаллари, аэропорт ва шоҳбекатларда кўзи оқизлар учун электрон ахборот эшитиш мосламаларини, светофор ва махсус йўлақларда ногиронлиги бўлган шахсларни оғоҳлантирувчи овозли электрон жиҳозларни ўрнатиш ҳам мақсад қилинган.

3-қадамда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш назарда тутилган.

Мазкур йўналишда бир қатор ҳаётини заруратга айланиб бораётган ташаббуслар ўрин олган. Бунда аёлларга пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига боласи 3 ёшга тўлгунча уни парваришлаш таътилларида бўлиш

вақтини тўлиқ қўшиб ҳисоблаш керак, деб биламиз.

Эр ёки хотини вафот этганда ҳамда вафот этган шахс кўпроқ пенсия олган тақдирда, ушбу пенсияни унинг ҳаёт бўлган турмуш ўртоғига ўтказиб бериш (пенсияни алмаштириш) тартибини жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Биз фуқароларни жамғариб борилаётган пенсия маблағларини бошқариш, уларни доимий равишда онлайн равишда кузатиш, банкка депозитга қўйиш орқали кўпайтириб бориш имкониятини бериш керак, деб ҳисоблаймиз. Жамғариб борилаётган маблағларни бошқариш тизимини йўлга қўйиш ва унда бевосита пенсионернинг ўзи иштирок этиши тарафдоримиз.

Бундан ташқари, пенсияга чиқиб, камида беш йил ишлаб, даромад солиғи ва ижтимоий солиқни тўлаган пенсионерлар учун муқаддам тайинланган пенсияни қайта ҳисоблаб, оширилган миқдорда тайинлаш имкониятини бериш ва пенсиянинг ёшини ўзгартирмасдан сақлаб қолиш бўйича юритилаётган сиёсатни давом эттириш тарафдоримиз.

Иккинчи йўналишда аҳолини арзон уй-жой ва сифатли коммунал хизматларини таъминлаш билан боғлиқ ташаббуслар ўрин олган.

Бунда ХДП фуқароларнинг Конституция билан қафолатланган ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, бунинг учун арзон уй-жой қурилишини кенгайтиришга қатъий ҳаракат қилади.

Мазкур йўналишдаги ташаббуслар иккита қадамда ўз ифодасини топади.

Хусусан, **4-қадамда** аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш ҳамда қурилиш соҳасида самарали назорат ўрнатиш кўзда тутилган.

Биз “Ижтимоий турар жойлар тўғрисида”ги Қонунни қабул қилишни мақ-

сад қилганмиз. Унда уй-жойсиз, яшаш шароити ўта оғир, ногиронлиги бўлган ёки оила аъзолари орасида ногиронлиги мавжуд аёллар, оилавий болалар уйлари битирувчилари учун ижтимоий турар жойлар қуриш назарда тутилади.

5-қадамда юқоридаги ташаббусларнинг манتيкий давоми бўлган аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш даражасини оширишга урғу қаратилган.

Коммунал хизматларнинг сифатли ва ўз вақтида бўлиши аҳоли ҳаёт тарзини осонлаштиради. Биз коммунал хизматлар ва уй-жой фондидан фойдаланиш бўйича хизматлар нархлари ва тарифларни белгилашни тартибга солиш мақсадида “Коммунал хизматлар нархлари ва тарифларни тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилишни режалаштирдик.

Ушбу қонун билан кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифадаги фуқаролар учун субсидиялар ёки имтиёзлар механизмларини яратиш имконияти биз учун муҳимдир.

Бундан ташқари, фуқаро коммунал хизматлардан асосий ёки таъминотнинг айби билан узилган тақдирда таъминотчи томонидан фуқарога компенсация тўлаш тизимини жорий этиш каби ташаббуслар ўрин олган.

Сайловолди дастурнинг учинчи йўналиши шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг хавфсизлиги ва экологик барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Бунда партия шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг тарихий қиёфасини сақлаш, табиий ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича ўз сайёҳ-ҳаракатларини кучайтиришни мақсад қилган.

6-қадамда Ўзбекистонни хавфсиз ва экологик барқарор худудга айлантириш йўлидаги ташаббуслар ўрин олган.



Партия мазкур қадамда давлат яйлов хўжаликлари тизимини йўлга қўйиш, уларга нисбатан давлат ўрмон хўжаликларига қўлланиладиган ер ва солиқ имтиёзларни қўллаш, бунда ушбу имтиёзлар ҳисобидан иқтисод қилинадиган маблағларни яйловларни тиклаш, деградациядан чиқариш, яйлов ўсимликлари уруғчилиги майдонларини кенгайтириш тадбирларига сарфлаш масалаларига эътибор қаратган.

Ушбу йўналишда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз билан биргаликда шаҳар ҳудудларида ёмғир сувлари тошишининг олдини олиш мақсадида дренаж тизимини қайта қўриб чиқиш, электр жамоат транспорт воситалари улушини кўпайтириш, бепул электр қувватлаш станцияларини ташкил этиш учун фаол иш олиб боришни мақсад қилганмиз.

Сайловолди дастуримизнинг тўртинчи йўналишида барча учун малакали тиббий хизмат имкониятларини яратиш бўйича ташаббуслар ўрин олган. Хусусан, шу йўналишдан ўрин олган **7-қадам** малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

Партиямиз тиббий суғуртани жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида "Давлат тиббий суғурта тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш зарур, деб ҳисоблайди.

Тиббиёт соҳасида суғурта тизимининг тўлиқ йўлга қўйилиши соҳага ажратилаётган маблағлар доирасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами улуши, аҳолининг ижтимоий заиф тоифалари вакиллари сифатли тиббий хизмат билан таъминланганлик даражасининг ошишига, очиклик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, кексалар ва онкологик касаллар учун сифатли хизмат кўрсатишнинг юқори стандартларини таъминлашга қаратилган хоспис тизимини ривожлантириш ва "Хоспис хизматини кўрсатиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш каби ташаббуслар илгари сурилмоқда.

8-қадамда фармацевтика соҳасида давлат назоратини кучайтириш, дори-дармон ва протезлаш воситалари ҳамда бошқа тиббий-ижтимоий хизматлар нархларини тартибга солишга қаратилган ғоялар мужассамлашган.

Биз бунда дори ва тиббий буюмларнинг нархлари бўйича чекловларни белгилаш юзасидан "Дори-дармонлар ва тиббий воситалар нархларини давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш муҳимлигига эътибор қаратганмиз. Ишонамизки, дори-дармон ва тиббий воситаларнинг нархлари давлат томонидан тартибга солиниши аҳолини ортиқча ташвишлардан халос этади.

Мазкур қадамда биз замонавий тиббиёт ва халқ таъбиотини қўшган ҳолда даволаш стандартларини (протоколларини) жорий этиш орқали дорига қарамликни камайтириш ташаббусини ҳам илгари сурамиз.

Дастуримиздаги **9-қадам** спорт ва маданиятни қўллаб-қувватлаш ва омма-

лаштиришга қаратилган.

Партиямиз аҳолини спортга оммавий жалб қилишни соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим қисми, деб ҳисоблайди. Лекин жамиятда ҳамма ҳам профессионал спортчи бўлиб кетавермайди. Ҳар қандай касб эгаси истаган вақтда спорт билан шуғулланиши учун шароит яратилиши керак. Бу йўлда биз workout тизимини оммалаштириш орқали аҳолини спорт билан бепул шуғулланишлари учун ажойиб ечим, деб ҳисоблаймиз.

Сайловолди дастурининг бешинчи йўналиши ёшларнинг сифатли таълим олишига қаратилган.

Қайд этиш керак, ёшларга сифатли таълим берилиши мамлакат интеллектуал салоҳиятини юксалтириш кафолатидир!

Биз **10-қадамда** фуқаролар барча таълим муассасаларида сифатли мактабгача, ўрта, олий таълим, шунингдек, касбий таълим олиши, малакасини ошириши учун тенг имкониятлар яратишга эришмоқчимиз.

Биринчи навбатда, "Ягона ижтимоий реестр"да рўйхатга олинган оила фарзандларини давлат мактабгача таълим

» **БИЗ БУНДА ДОРИ ВА ТИББИЙ БУЮМЛАРНИНГ НАРХЛАРИ БЎЙИЧА ЧЕКЛОВЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ЮЗАСИДАН "ДОРИ-ДАРМОНЛАР ВА ТИББИЙ ВОСИТАЛАР НАРХЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУННИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУҲИМЛИГИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТГАНМИЗ.**

ташкilotларига тўланадиган тўловдан озод қилишни назарда тутяпмиз.

Мактабларда овқатлантириш тизими устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, зарарли озиқ-овқат маҳсулотларини сотишнинг олдини олиш ва бошланғич синфларда ўқувчилар сонини 20 нафардан оширмаслик, катта синфларда эса 24 тагача ўқувчи ўқитиш тизимини яратиш тарафдоримиз.

Биз мактаблар ўқув дастурларида чет тиллар ва ИТ бўйича ўқув соатларини кескин кўпайтириш керак, деб ҳисоблаймиз.

Дастуримизнинг олтинчи йўналиши Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти – кучли ижтимоий сиёсатнинг асосидир, деб номланади.

Ундаги **11-қадамда** иқтисодиётда давлатнинг фаол роли ва иштирокини сақлаб қолиш, камбағалликни қисқартириш, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда банк-кредит соҳасини ривожлантириш бўйича таклифлар ўрин олган.

Партиямиз стратегик аҳамиятга эга компаниялар устидан давлат назоратини сақлаб қолиш, уларни хусусийлаштиришни қонун даражасида тақиқлаш тарафдори. Бунга сабаб, энергетика, транспорт ва

мудофаа саноати каби стратегик муҳим соҳалар миллий хавфсизликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Дастуримизда вазирлик ва идоралар томонидан давлат хизматларини кўрсатиш ёки жарима солиш натижасида тушадиган барча тушумларни тўлиқлигича Давлат бюджетига йўналтириш кўзда тутилган.

Дастуримиздаги еттинчи йўналиш товар ва хизматлар нархларининг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш – манзилли ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналиши, деб номланган. Партиямиз ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматларнинг нархларини шакллантириш устидан давлат ва жамоатчилик назоратини қатъий ўрнатиш лозим, деб ҳисоблайди.

12-қадамда эҳтиёжманд аҳоли қатламининг кундалик зарур товар ва хизматлардан фойдаланишини таъминлаш масаласига эътибор қаратилган.

Кам таъминланган аҳоли қатлами учун кундалик зарур товар ва маҳсулотларни арзон нархларда сотиш бўйича ижтимоий дўконлар тармоғини ривожлантиришни кўзда тутяпмиз.

Партиямиз ипотека кредити тўлови бўйича қардорлик юзага келганлиги сабабли гаровга қўйилган кўчмас мулкни аукционда сотишдан олдин кредит олган шахсга уч ой мuddатда ушбу кўчмас мулкни уч томонлама олди-сотди шартномаси асосида ўзига қулай нархда сотиш имконини бериш керак, деб ҳисоблайди.

Сайловолди дастурининг саккизинчи йўналишини тўлиқ қамраб олган **13-қа-**

тини жорий этиш, давлатнинг айрим функцияларини босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига ўтказиш, сиёсий партиялар, депутатлик бирлашмалари ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш каби таклифлар ҳам ушбу йўналишда ўз ифодасини топган.

Дастуримизнинг тўққизинчи йўналишида қонун устуворлиги, ижтимоий тенглик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича таклифлар акс этган.

Партиямиз қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш асосида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича суд механизмларининг мақбуллигини таъминлаш учун қатъий ҳаракат қилади. Жумладан, **14-қадамда** суд механизмларининг мақбуллигини таъминлаш, қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва имкониятлар тенглигига қатъий амал қилишга қаратилган ташаббуслар ўрин олган.

Биз бу йўналишда биринчи галда одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари ўрнига ҳакамлар ҳайъати институтини жорий қилиш керак, деб ҳисоблаймиз. Мазкур институтнинг жорий этилиши демократик тамойилларни мустаҳкамлашга, суд жараёнларининг холислиги ва адолатлигини оширишга, коррупция хавфини камайтиришга ва фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончини янада оширишга ёрдам беради.

Шунингдек, соҳавий назорат органларининг (инспекция) мустақиллиги ва мақомини кучайтириш, уларга республика ижро этувчи ҳокимият органларининг таъсирини камайтиришни мақсад қилганмиз. Мазкур ташаббус давлат назоратининг холислиги, шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлашда муҳим қадам ҳисобланади.

Бундан ташқари, ушбу қадамдан Давлат бюджети ҳисобидан қимматбаҳо совғалар ҳадя қилишни тақиқлаш, Давлат бюджети маблағларини самарасиз ҳамда мақсадсиз ишлатганлик учун жавобгарликни кучайтириш ва яна бошқа кўплаб ташаббуслар ўрин олган.

Дастурдаги сўнги, ўнинчи йўналишда миллий манфаатларга асосланган очик, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсатни изчил давом эттириш билан боғлиқ ғоялар мужассамлашган.

Ундаги **15-қадамда** Ўзбекистоннинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатдорлик ва тенг ҳуқуқлилик асосида ҳамкорлик ва шерикчиликни фаол ривожлантириш назарда тутилган.

Хусусан, минтақавий барқарор ижтимоий ривожланиш, муқобил энергетика ва замонавий тиббиёт соҳаларида инновацион дастурлар ҳамда лойиҳаларни халқаро ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширишни мақсад қилган.

Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастури билан танишган ҳар бир сайловчи унинг кенг аҳоли қатлами вакиллари манфаатларини акс эттиргани, ғоя ва ташаббуслар том маънода вақт синовидан ўтган чуқур асосга эгаллиги, партиянинг пировард мақсади халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлаш эканлигига тўлиқ амин бўлади.

ДОРИГА ҚАРАМЛИКНИ ТУГАТАЙЛИК



МАМАДЖАНОВА ДИЛБАРХОН РАХМАТОВНА

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:

— Ўзбекистонда халқ табобати бир неча асрлик анъаналарга эга. Юртимиз ҳудудда қадим-қадимдан жаҳонга машҳур табиблар яшаб ижод қилган, кўплаб касалликларга шифо топган, аҳоли дардига малҳам бўлган. Биргина Абу Али ибн Синонинг неча асрлар аввал амалга оширган изланишлари ва эришган ютуқлари ханузгача замонавий тиббиётда пойдевор вазифасини ўтаб келмоқда. Кейинги йилларда дунё мамлакатлари аҳолиси, асосан ривожланган давлатлар аҳолисининг табиий, арзон, зарари кам ва хавфсиз халқ табобати усуллари ва дори воситаларига қизиқиши ортиб бормоқда.

Бизнинг ўлкамизда буюк табиблар ўтганини ва улардан улкан маънавий мерос қолганини инобатга олганда айна пайтда мамлакатимизнинг бу соҳада имкониятлари жуда катта.

Шунингдек, замонавий тиббиётда ҳам кўплаб ютуқларга эришилмоқда. Тиббиёт

соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлиги туфайли хаттоки, мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўзимизда ўтказиш ҳам йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясини тиббиёт соҳасидаги ислохотларни жадал давом эттириш лозим, деб ҳисоблайди. Партиямиз замонавий тиббиёт ва халқ табобатини қўшган ҳолда даволаш стандартларини жорий этиш орқали дорига қарамликни камайтириш зарур, деб ҳисоблайди. Халқаро тажриба шунини кўрсатадики, турли хил тиббий амалиётларни интеграциясини тўғри ташкил этиш, ушбу интеграцияни давлат ва тиббиёт ҳамжамиятининг кўмаги билан амалга ошириш орқали самарали натижаларга эришиш мумкин.

Дори юкини камайтириш беморларнинг умумий ҳолатини яхшилашга ёрдам беради. Дориларни камроқ истеъмол қилиш жигар, буйрақлар ва бошқа органларга юкни камайтиради, бу айниқса кексалар ва сурункали касалликларга чалинган беморлар учун жуда муҳимдир. Демак, бу инсонлар ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади. Қолаверса, дориларга қарамликни камайтириш иқтисодий аҳамиятга ҳам эга. Дори-дармонлар сонини камайтириш беморлар учун ҳам, умуман соғлиқни сақлаш тизими учун ҳам даволаниш харажатларини қисқартиради. Халқ табобатини даволаш стандартларига киритиш харажатларини янада камайтириши мумкин.

Бутун дунёда соғлом турмуш тарзига ўтиш, табиат яратган неъматлардан унумли фойдаланиш тенденциясига эътибор қаратилаётган бир шароитда замонавий тиббиёт ва халқ табобатини қўшган ҳолда даволаш стандартларини жорий этиш долзарб вазифалардан биридир. Барчамиз биланми, кўп дори истеъмоли бошқа турли касалликларни ҳам келтириб чиқаради. Сабаби, кимёвий ишлов берилган воситалар инсон танасидаги қайсидир аъзони тузатса, бошқасига зиён етказиши эҳтимоли бор.

Соҳадаги мавжуд вазиятни жиддий таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон Халқ демократик партиясини замонавий тиббиёт ва халқ табобатини қўшган ҳолда даволаш стандартларини жорий этиш фуқароларимиз соғлигини сақлаш ва муҳофазалашда, турли касалликларнинг профилактикасида муҳим чоралардан бири бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

ИЖТИМОЙ КОДЕКСНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ



НУРМАТОВ АНВАРЖОН АБДУЛҲАМИДОВИЧ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:

— Янгиланган Конституцияга биноан Ўзбекистон ижтимоий давлат, деб эълон қилинди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар динамикасига мос равишда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, самарали ижтимоий сиёсат юритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишда, аввало, маънавий, ахлоқий қадриятларимиз, тарихий анъаналаримиз, миллий руҳиятимизга мос йўлдан борилаётган бўлса, иккинчи томондан, жаҳон тажрибасига, ривожланган мамлакатлар эришган ютуқларини ўзлаштиришга урғу берилаяпти. Бу Ўзбекистон Халқ демократик партиясини

узок йиллардан буён илгари суриб келаётган ижтимоий сиёсат юритиш ҳақидаги ғоя ва ташаббуслари амалиётга муваффақиятли жорий этилаётганлигининг исботидир.

Партияимиз илгари сураётган Сайловолди дастурида ижтимоий тенглик ва халқ демократияси мезонларига мос келадиган давлат барпо этишни мақсад қилган. Биз ҳар бир шахснинг Конституция билан кафолатланган ижтимоий ҳуқуқларини адолатли ва самарали амалга оширилишини таъминлаш учун ижтимоий таъминот ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янги нормалар билан тўлдириш орқали Ижтимоий кодексни ишлаб чиқиш, қабул қилишни таклиф қиламиз.

Ижтимоий кодекс - ижтимоий соҳадаги қонунчиликни тизимлаштириш ва такомиллаштириш учун мўлжалланган ҳужжатдир. Бу ҳужжат фуқароларнинг ҳуқуқларини янада самарали ҳимоя қилиш, ижтимоий нафақаларнинг янада адолатли тақсимланишини таъминлаш, жамиятда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий кодекснинг қабул қилиниши аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ҳисобга оладиган ягона ижтимоий таъминот тизимини шакллантиришга ёрдам беради. Бу, айниқса, иқтисодий инқирозлар даврида, фуқаролар турли қийинчиликларга дуч келганда муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, Германия, Франция, Австрия, Қозоғистон ва Туркменистон каби давлатларда Ижтимоий кодекс мавжуд.

Ушбу кодекснинг қабул қилиниши ижтимоий соҳадаги кўплаб муаммоларга қонуний ечим топишда асос бўлади. Биз сайлов кампаниясига киришар эканмиз, ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат таъминоти асосида муносиб яшаш шароитини яратиш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаини кўпайтириш бўйича сиёсатни мақсад қилганимиз.

хулоса чиқарадилар ва ёшларни буюк неъмат — тинчлик-осойишталикнинг қадрига етишга ундайдилар. Партиямизнинг Сайловолди дастуридан кексалар ва онкологик касаллар учун хоспис тизимини ривожлантириш ва "Хоспис хизмати тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш ташаббуси ҳам ўрин олган.

Хоспис — тузалмас дардларга чалинганлар, асосан онкологик беморларга касалликнинг сўнгги босқичида паллиатив ёрдам кўрсатувчи тиббий-ижтимоий ташкилот.

Бугунги кунда Ўзбекистонда хоспислар муаммоси долзарб аҳамият касб этмоқда. Республикада катта ёшдаги беморлар учун бирорта ҳам хоспис йўқ, гарчи 2014 йилда ҳукумат мамлакатда 2015 йилда эълон қилинган "Кексаларни эъзозлаш йили" доирасида давлат хоспислари тармоғи тузилишини билдирган эди. Бу муаммоларни ҳал

қилиш учун "Хоспис хизмати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур. Ушбу ҳужжат хосписларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг ишлаш ва молиялаштириш тартибини, шунингдек, хосписларнинг малакасига қўйилаётган талабларни белгилайди.

"Хоспис хизмати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кексалар ва онкологик касаллар учун хоспис хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

Жаҳон тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, Буюк Британия хоспис тизимлари энг ривожланган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бу ерда хоспислар миллий Соғлиқни сақлаш хизмати тизимида фаолият олиб боради ва тиббий, психологик ва ижтимоий ёрдамни ўз ичига олган кенг қамровли хизматларни таклиф қилади. Паллиатив

тив ёрдамни нафақат хосписларда, балки уйда ҳам олиш имконияти мавжуд. Америка Қўшма Штатларида тижорат ва нотижорат шаклдаги кўплаб хоспислар мавжуд. Medicare Қонуни барча беморларга паллиатив ёрдам олиш имконини беради.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясини халқаро амалиётни чуқур таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистонда ҳам кексалар ва онкологик касаллар учун хоспис тизимини ривожлантириш зарур, деб ҳисоблайди. Бу тизимни муваффақиятли ишга тушириш учун эса "Хоспис хизмати тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш талаб этилади.

Зеро, Ўзбекистон ижтимоий давлат дея эълон қилинган экан, қариялар ва оғир беморларнинг ҳам ижтимоий ҳимояси ва таъминоти муҳим вазифалардан бири бўлиши лозимдир.



ЙЎЛ ТАЪМИРЛАНИШИ ҲАҚИДА ОҒОҲЛАНТИРИШ



КУРБАНОВ МАКСУД МУИНЖОНОВИЧ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:

— Янги Ўзбекистон ислохотлари халқимизга тинч ва осуда ҳаёт кечириши учун яхши шароит яратиш беришни кўзлайди. Шу эзгу ният йўлида амалга оширилаётган инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган ислохотлар халқимиз турмушининг янада юксалиши, мамлакатимиз ободлиги ва тараққиётини таъминлаш, Ватанимизнинг дунё ҳамжамиятида обрў-эътиборини юксалтириш ҳамда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда юксак самаралар бермоқда.

МИЛЛИЙ МОДЕЛНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЛОЗИМ



МИРЗАТОВ БАХТИЁР ТОХИРОВИЧ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:

— Дунёнинг кўпгина давлатларида ишсизлик ҳолатларида мажбурий ижтимоий суғурта қилишнинг миллий моделлари жорий қилинган. Мисол учун, Германияда ишсизликдан суғурта тизими кенг қамровли ижтимоий ҳимоя тизимининг бир қисmidир.

Ишчилар ва иш берувчилар суғурта фондларига бадаллар тўлайдилар, иш жойини йўқотган тақдирда эса фуқаролар ишсизлик

Таъкидлаш жоиз, ўтган вақт давомида раҳбарлар халқ ичида юришга, фуқаролар билан юзма-юз учрашиб, уларнинг дарду ташвишини тинглашга ўрганмоқда. Бу эса аҳоли яшаш шароитларининг тубдан яхшиланишига, турмуши фаровонлашишига сабаб бўлди. Энг муҳими, аҳолининг кайфияти, дунёқараши ўзгариб бормоқда.

Партияимизнинг янги Сайловолди дастури аҳолининг ўзидан сўралган таклифлар асосида шакллантирилган. Масалан, партиямизнинг янги Сайловолди дастуридан йўл таъмирланиши ҳақида хабардор қилиш ташаббуси ўрин олган.

Унда йўллардаги таъмирлаш ишлари ва уларнинг давомийлиги ҳақида камида 10 кун олдин ушбу ҳудудда яшовчи ҳамда Интернет тармоғида эълон жойлаштириш орқали фуқароларни хабардор қилиш шарт, деган меъёрни таклиф қилаёلمиз.

Баъзан шундай ҳолатлар бўладики, эрта-лаб ишга кетаётганимизда ёки бўлмаса кечки пайт ишдан қайтаётганимизда одатда юридиган йўлимизда таъмирлаш ишлари бўлаётган бўлади ва бу кўпчилик учун нуқулдайлик келтириб чиқаради. Бу ҳар биримизнинг кундалик ҳаётимизда содир бўлган воқеа. Одамларнинг йўлларда таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлигидан бехабарлиги минглаб юртдошларимизнинг кундалик ҳаётида қайсидир маънода ўз аксини топади.

Агар йўлларда таъмирлаш ишлари бўлаётгани ҳақида олдиндан хабардор бўлсак, фуқаролар бунга тайёр бўлади. Вақтни ҳам шунга қараб тақсимлайди. Бошқа йўлдан юриди. Натижада ишга кеч қолишлар, асабийлик, тирбандликларда ортиқча вақт сарфлашнинг олди олинади.

Дастурида бундай ҳаётини таклифлар жуда кўп. Шунини ишонч билан айтишни мумкин, дастури билан танишган ҳар бир сайловчи ундаги таклифлар, ташаббуслар халқимизнинг кўнглидаги гаплардан иборат эканлигига амин бўлади.



ИМАМОВА САЙЁРА ЯКУББАЕВНА

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:

ХОСПИС ХИЗМАТИ – ТИББИЙ, ПСИХОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙ ЁРДАМ КЎРСАТАДИ

— Маълумки, миллий қадриятларимиздан бири ёши улғу инсонларни қадрлашдир. Кексаларни эъзозлашдек азалий қадрият халқимизни жипслаштириш, одамлар орасида меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, турли миллат вакилларининг аҳил-иноқ яшашига хизмат қилиб келган. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш улғулангани боис жаҳон аҳли бизга ҳавас билан қарайди.

Дунё халқлари ўртасида жамоа бўлиб ҳаёт кечиришдан кўра, ёлғиз яшашга мойиллик тобора кучайиб бораётган бугунги глобаллашув жараёнида нурунийларимизнинг ёшлар тарбиясида ўрни, уларнинг насихатлари, кўрсатаётган йўл-йўриқларини бебаҳо миллий-маънавий бойликка қиёспасак, асло муҳолага бўлмайди. Зеро, хонадонларимиз фарошларини — кексалар яқин ўмишини бугунги дориларимиз кўнларга қиёслаб, ҳаётини

қилиш учун "Хоспис хизмати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур. Ушбу ҳужжат хосписларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг ишлаш ва молиялаштириш тартибини, шунингдек, хосписларнинг малакасига қўйилаётган талабларни белгилайди.

"Хоспис хизмати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кексалар ва онкологик касаллар учун хоспис хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

Жаҳон тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, Буюк Британия хоспис тизимлари энг ривожланган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бу ерда хоспислар миллий Соғлиқни сақлаш хизмати тизимида фаолият олиб боради ва тиббий, психологик ва ижтимоий ёрдамни ўз ичига олган кенг қамровли хизматларни таклиф қилади. Паллиатив



Илм йўлида қўлимиздан тутган, маърифатга ошно этган, ҳаётда эришган ютуқларимизга ўз ҳиссасини қўшган фидойи ўқитувчиларимизни ҳамиша миннатдорлик билан тилга оламиз. Бугун сўз юритмоқчи бўлганимиз – Наманган давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, филология фанлари доктори Носиржон Улуқов ҳам ана шундай жонқуяр соҳа вакилларидан биридир.

ИЛМ ТАРҲИН ЧИЗГАН УСТОЗ

Устознинг дарс ўтиш, фанни ўқитиш услуби шунчалар ўзига хоски, ҳар бир фикрида қимматли ва бетакрор маъно ва моҳият сезилиб туради. Шунинг учун ҳам ҳар бир дарси талабаларнинг хотирасида муҳрланиб қолади.

Домланинг дарсларида ёмон ўқийдиган талабанинг ўзи бўлмайди. Сабаби — оддий, устоз мавзунини ипидан игнасиғача жўяли тушунтириб, миёга “қуяди”. Қолаверса, талабаларининг психологиясини жуда яхши “ўқий” олади. Олий таълим тизимида ана шундай салоҳиятли ўқитувчиларнинг фаолият олиб бориши юзлаб, балки минглаб малакали кадрлар тайёрлашда муҳим роль ўйнайди.

Профессор Носиржон Улуқов 1966 йилнинг 25 ноябрида Чортоқ туманининг Короскон қишлоғида туғилган. 1983 йили Чортоқ туманидаги 3-ўрта мактабни олтин медал билан битириб, Наманган давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига имтиёзли тарзда ўқишга қабул қилинган.

Педагог сифатидаги фаолиятини 1987 йилда Чортоқ туманидаги 1-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилигидан бошлаган. 1991 йилда Наманган давлат педагогика институтининг сиртки бўлимига методист лавозимига ишга қабул қилинган. 1992 йилда ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи бўлиб фаолиятини давом эттирган.

Талабаликни ортада қолдирган бўлса-да, ўқиб-ўрганишдан, илмий изланишлардан бир лаҳза ҳам тўхтамаган Н. Улуқов 1997 йилда «Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси»

мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1996-2004 йилларда ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи лавозимларида ишлади, 2005 йилда эса доцент унвонини олди. 2010 йилда «Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лингвистик тадқиқи» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2012-2013 йилларда Наманган вилояти педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти проректори, ректори лавозимларида ишлади.

Носиржон Улуқов фидойи, ташаббускор ва фаол ташкилотчи мураббий ҳамдир. Унинг раҳбарлиги ва ташкилотчилигида Наманган давлат университетида лингвистика (ўзбек тили) бўйича магистратура йўналиши очилди.

Устознинг педагогик ва раҳбарлик салоҳиятидан ташқари илмий-тадқиқот ишларида ҳам салмоқли ютуқларга эришган олим эканини айтиб ўтиш ўринли. Ҳозирга қадар унинг 300 дан зиёд илмий, илмий-оммабоп, методик мақолалари чоп этилган.

Носиржон Улуқов иқтисодий ёшларни тарбиялаш ва тайёрлаш борасида ўз мактабини яратган олим, – дейди филология фанлари бўйича фалсафа доктори Ҳавасхон Солихўжаева. – Ҳозирга қадар унинг илмий раҳбарлигида юздан ортиқ битирув-малакавий иши, ўттизга яқин магистрлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Илмий раҳбарлигида 12 нафар ёш тадқиқотчи филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ҳимоя қилди. Аҳамиятлиси, устозимиз етакчилигида

олийгоҳимизда Туркиянинг Эгей университети билан ҳамкорликда «Ўзбек ва турк геортономларининг лингвокультурологик, этнолингвистик тадқиқи» номи фундаментал лойиҳа амалга оширилмоқда.

Профессор Н. Улуқов, шунингдек, республика ва ҳудудий топонимик комиссияси аъзоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг тил, географик номлар борасидаги сиёсатини ташвиқ ва тарғиб этиш борасида ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Тил одоби, нутқ маданияти ва жой номларини тартибга солиш масалаларига доир 30 дан зиёд мақолалари жамоатчилик томонидан илиқ қарши олинган. Қолаверса, у 2016 йилда «Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги» танлови республика босқичида «Энг яхши педагог-тадқиқотчи» номинацияси бўйича ғолиб бўлган ва кўп йиллик самарали меҳнатлари, ёшларга таълим беришда эришган муваффақиятлари учун «Маънавият фидойиси» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ўқитувчи қалбларда эзгулик уруғини қадовчи мўътабар зот ҳисобланади. У ёшларга билим бериш билан бир қаторда уларни инсоний юксакликка етаклайди. Юзлаб толиби илмларнинг устози Носиржон Улуқовни таниган-билганлар ҳурмат билан тилга олиши, эҳтиром кўрсатиш бежиз эмас.

Санжарбек ҲАМИДОВ,
Наманган давлат университети
қошидаги
«Пресс-клуб» раҳбари.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

**“БИЗНЕСНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
БАНКИ”
ТОМОНИДАН
“ЧАКАНА
ХИЗМАТЛАР:
ҚУЛАЙЛИК ВА
ЗАМОНАВИЙЛИК”
МАВЗУИДА
МАТБУОТ
АНЖУМАНИ
ЎТКАЗИЛДИ.**



“БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ”ДА ОНЛАЙН АВТОКРЕДИТ ХИЗМАТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ



– Аҳолига қулай, ҳаммабоб ва замон талабларига мос банк хизматлари таклиф этилиб, банклар ўртасида рақобат муҳити шаклланим, – дейди “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Чакана бизнес Бош директори Феруз Хўжаев. – Демак, стандарт усуллардан воз кечиб, ўз қадрият ва тажрибасига таянган ҳолда, янги шароитга тезкор мослашувчан банк ушбу рақобатда ўз ўрнини сақлаб қолиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, “Бизнесни ривожлантириш банки” ҳам кун сайин янги хизматлар яратиш ва уларнинг

ўзига хослиги ортдан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати ва сонини оширишга жиддий эътибор қаратяпти.

Маълумки, KPMG халқаро компанияси билан ҳамкорликда «Бизнесни ривожлантириш банки»нинг 2024-2026 йилларга мўлжалланган стратегияси ишлаб чиқилди ва айни пайтда мазкур стратегия изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Унга мувофиқ аҳолига хизмат кўрсатиш йўналишида ҳам қатор стратегик мақсадлар белгилаб олинди.

Тадбирда қайд этилишича, бугунги кунда банкда 39 та банк хизматлари офиси ҳамда банк хизматлари маркази, 14 та 2-тоифали БХМ, 3 та ипотека маркази, 560 та банкомат, 264 та 24/7 банкомат шохобчалари мавжуд. Шунингдек, аҳолига 49 турдаги чакана маҳсулот ва хизматлар кўрсатилмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида банк томонидан 1,5 трлн сўм миқдорда кредит маҳсулотлари расмийлаштирилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 100 млрд сўмга қўпроқни ташкил этмоқда. Ҳозирги кунда банкнинг трансформация жараёнлари жадаллик билан амалга ошириляпти.

Трансформация жараёнларидан олдин бир нафар ходим асосан бир турдаги хизмат ёки маҳсулот сотуви билан шуғулланган ва бир кунда 40 тагача амалиётларни бажарган. Эндиликда битта ходимга тўрттагача маҳсулот сотуви ва кун давомида юзтагача амалиёт тўғри келмоқда.

– Банкмизда янги хизмат турларини жорий этиш чоралари ҳам қўриляпти, – дейди “Бизнес-

ни ривожлантириш банки” Чакана бизнес департаменти директори Умид Алимов. – Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, бошқа тижорат банкларида муқобил вариантлари мавжуд бўлмаган маҳсулот ва хизматларни йўлга қўйишга ҳаракат қиялмиз. Мисол учун, мижозларга онлайн автокредит, таълим кредити ҳамда маҳсулот ва хизматларни агент ташкилотлар орқали сотиш ва сотув ҳажмларини оширишга оид янги хизмат турлари таклиф этилмоқда. Бундан ташқари, банкнинг мобил иловаси ҳозирги кунда тўлақонли сотув каналига айланди. Айни пайтда мобил илова фойдаланувчилар сони 340 мингдан ортиқни ташкил этади. Йил бошидан 3,5 миллионга яқин

транзакциялар орқали 3,1 триллион сўмлик айланмалар амалга оширилди. Бир сўз билан айтганда, барча турдаги маҳсулотларнинг сотувини онлайн каналларда ташкил этиш устида ишланмоқда. Асосий мақсадимиз мижозларга қулай, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишдан иборат. Ҳозирда энг оммабоп хизмат бу, шубҳасиз, онлайн хизматлар ҳисобланади. Банкмиз томонидан ушбу тенденцияларга мос хизмат ва маҳсулотлар яратиш устида ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, эндиликда банк мижозлари банкнинг мобил иловаси орқали онлайн тарзда автокредит олиш имконияти яратилди. Яъни, автотранспорт сотиб олиш бўйича

барча амалиётлар мижоз томонидан мустақил онлайн тарзда бажарилади. Ҳозирча ушбу хизмат фақатгина “ЎзАвто” компанияси томонидан сотилаётган автомобиллар учун жорий қилинган. Бошқа автотранспорт воситаларининг расмий сотувчилари ва ишлаб чиқарувчилари билан музокаралар ўтказилмоқда.

Шунингдек, талабалар ва уларнинг яқинлари ҳам эндиликда таълим кредитларини мобил илова орқали расмийлаштириб ушбу хизматдан фойдаланишлари мумкин бўлади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



МУНОСАБАТ

ЖАМИЯТНИНГ ВИЖДОНИ, ТАРАҚҚИЁТНИ ЖАДАЛЛАШТИРУВЧИ КУЧ

ДУНЁГА НЕ-НЕ БУОК ЗОТЛАРНИ, АЛЛОМАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРГАН ХАЛҚИМИЗ УСТОЗНИ ОТАНГ КАБИ УЛУҒ БИЛ, ДЕЙДИ. МАЪРИФИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ БЕШИГИ БЎЛГАН ЗАМИНИМИЗДА АЗАЛДАН ИЛМ АХЛИНИНГ, УСТОЗЛАРНИНГ ЎРНИ, МАВҚЕИ УСТУН САНАЛГАН. МАМЛАКАТИМИЗДА 1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ СИФАТИДА КЕНГ НИШОНЛАНИБ КЕЛИШИ ЗАМИРИДА ҲАМ БУ КАСБ ЭГАЛАРИГА НИСБАТАН УЛКАН ҲУРМАТ, БЕҚИЁС ЭҲТИРОМ МУЖАССАМДИР.

УШБУ САНА АРАФАСИДА ДАВЛАТ РАҲБАРИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ МИЛЛИЙ ИНСТИТУТИДА ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛДИ. УНДА СОҲАНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚАРИШ, ЎҚИТУВЧИ-ПЕДАГОГЛАРНИНГ МАҚОМИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ҒОЯТДА МУҲИМ ГАПЛАР АЙТИЛДИ.

МАМЛАКАТИМИЗ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ УЧУН ЁШЛАРНИНГ СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ОЛИШИ ТАРАФДОРИ БЎЛГАН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФАОЛЛАРИ БУ БОРАДА ЎЗ МУЛОҲАЗАЛАРИНИ, МУНОСАБАТИНИ БАЁН ЭТДИЛАР.



Мавжуда ҲАСАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Аслида ўқитувчи-мураббийнинг меҳнатидан оғирроқ ва масъулиятлироқ касб йўқ, назаримда. Ёш авлодга ўқиш-ёзишни ўргатиш учун чекиладиган заҳматни, спортчи бўлишга интилаган мурғак қалбни чемпионга айлантиргунча босиб ўтиладиган бедорлик юкини, болани бирор касб-хунарга ўргатаётган устоз-

нинг сабр-қаноатини кўз олдингизга келтириб кўринг.

Шахсан мени қувонтирадиган жиҳат шуки, юртимизда мазкур касб эгалари ҳамisha ардоғда. Ўтган йили янгиланган Конституциямизда ҳам ўқитувчи мақоми алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди. "Педагогинг мақоми тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Таълим соҳасини ривожлантириш учун хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, янги дастурлар, лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Эндиликда айнан таълимда сифат ва рақобатни таъминлаш учун рақамлаштириш даражаси оширилишига алоҳида урғу берилиши эса кўнглимиздаги гап бўлди.

Қайд этилганидек, болалар учун мустақил таълим олиш имкониятлари оширилади. Ўқувчилар мураккаб концепцияларни осон ўзлаштириши учун аниқ ва табиий фанлар бўйича виртуал лабораториялар ташкил этилади. Янги ўқув йилидан бошлаб бундай лабораториялар ҳар бир

вилоятда 10 тадан мактабда йўлга қўйилади. Шунингдек, мактаб тизимида ўқитувчи ўз имконияти ва ютуқларини, янги ишланмаларини эълон қилиши учун ягона онлайн платформа яратилади.

Сингапурлик экспертлар матаматика ва табиий фанлар ўқитувчиларининг касб маҳоратини оширади. Педагоглар сунъий интеллектга асосланган таълим платформасида билимларини бир йил давомида мунтазам синовдан ўтказилади. Хусусий боғчалардагидек, 6 минг 800 та давлат мактабгача таълим ташкилотларида ҳам даволат, тўловлар, озиқ-овқат харажатларини шакллантириш тўлиқ рақамлаштирилади. Бунинг учун боғчалар планшетлар билан таъминланади.

Бундай саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, ўсиб келаётган ёш авлодга замонавий таълим-тарбия бериш, фарзандларимизни келгусида рақобатбардош кадрлар қилиб камолга етказишдек олижаноб мақсадларимизни рўёбга чиқаради.

бу – ёшларга сифатли таълим ва тарбия бериш.

Рақамлар ҳақиқатини кўрсатиб турибди. Этибор беринг, ўқитувчиларга маҳорати ва эришган ютуқларига қараб тўланадиган устамалар сони 3 тадан 17 тага ошди. Ўз устида астойдил ишлаган, хорижий сертификат олган 6 минг нафар ўқитувчи 10 миллион сўмдан зиёд маош олмақда.

2019 йили Наманган вилоятидан бир қанча педагоглар Япония таълим тизими билан танишиш мақсадида кунчиқар юрта борган эдик. Ушанда уларнинг тажрибасини юртимизда амалиётга жорий этиб бўлармикан, деган иккиланиш ўтганди хаёлимиздан. Мана, ўзимизда ҳам кўряпмиз, эришса, бажарса бўлар экан.

Президент мактабларидаги баҳолаш тизими ҳозир 500 та умумтаълим мактабида қўлланилмоқда. Баҳолашни самарали йўлга қўйган 66 та мактаб жамоасига 40 фоизгача устама тўланмоқда.

Мулоқотда қайд этилганидек, эндиликда Абдулла Авлоний номидаги институт педагогларга касб маҳоратини оширишга масъул бўлади. Институтнинг 12 та ҳудудий марказини замонавий қиёфага келтириш ва жиҳозлаш учун яқин уч йилда бюджетдан ҳар йили 50 миллиард сўм ажратилади. Малака оширишда вазирилик – малака ошириш маркази – мактаб ва боғчани боғлайдиган вертикал тизим йўлга қўйилади. Буларнинг бари бир мақсадга қаратилган: таълим соҳаси том маънода янги сифат босқичига чиқсинки, бунинг маҳсулини, энг аввало, ўқитувчи-мураббийлар ўз касбий фаолиятида ва фаровон ҳаётларида кўрсин ва розилик ҳиссини туйсин.

ма кучли, иродали, ватанпарвар, фидойи, билимли, ёшларни ўз ортидан эргаштира олувчи ўқитувчилар синфи шаклланиши керак. Абдулла Авлоний номидаги Педагогик маҳорат миллий институти ҳам ўқитувчиларнинг тажриба ва малакасини оширишга хизмат қилаётгани алоҳида эътирофга лойиқ.

Давлат раҳбари мазкур институтга ташриф буюриб, бир гуруҳ фаол ўқитувчи-мураббийлар билан мулоқот асносида таълимни ривожлантириш бўйича бир қатор залворли ташаббусларни илгари сургани нафақат соҳа вакилларини, балки ҳеч биримизни бефарқ қолдирмади.

Йилдан-йилга аҳоли сони ўсиб бораётган мамлакатимизда билимга чанқоқ, янгиликка қизиқувчан ёшларимиз сафи оз эмас. Бундай ёшларга замонавий фидоқилидиган, юзага келиши мумкин бўлган инқирозли вазиятларда мақбул қарор

қабул қилишни ўргата оладиган устозлар сабоқ бериши керак.

Абдулла Авлоний номидаги Педагогик маҳорат миллий институти ўз зиммасига юклатилган масъулиятли вазифани муносиб адо этишига умид қиламан. Зотан, бир вақтлар мажбурий меҳнат туфайли боши ҳам бўлган ўқитувчилар бугун энг яхши шароитларда малакасини ошириши, ўз устида ишлай бошлагани адолат тантана қилганидан дарак.

Эл-юртимиз азалдан эъозлаб келадиган ўқитувчи ва мураббийларнинг мақоми, кадр-қимматини янада юксалтириш давлат сиёсатининг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналишига айлангани бизни фақат ва фақат қувонтиради. Зотан, ўқитувчилар – жамият виждони. Юрт ва миллат тақдири, болаларимиз келажаги – уларнинг қўлида.



ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Жорий йилнинг 2 октябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бош штабида партия Марказий Кенгаши раиси Ўринбосари Улуғбек Вафоев ва партия сайлов штаби масъуллари МДХ Бош котиби Ўринбосари Д.Трефилов, МДХ Ижроия қўмитаси Миссия штаби раҳбари Е.В.Козьяк билан учрашув ўтказди.

Учрашув давомида Марказий Кенгаш раиси Ўринбосари Улуғбек Вафоев хорижий кузатувчиларга дастлаб Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан бўлажак сайловларда муносиб иштирок этиш учун амалга оширилган ишлар, жумладан, янги Сайловолди дастури ва депутатликка номзодларни шакллантириш жараёнлари ҳақида маълумотлар берди. Шунингдек, айни пайтда қизғин паллага кирган сайловолди ташвиқотларида партия ва номзодларнинг иштирокига тўхталди.

Бу йил илк бор аралаш сайлов

тизими асосида ўтказилаётган сайловлар хусусиятларидан келиб чиқиб, партиянинг уларда иштироки билан боғлиқ фаолиятидаги қизиқиш ўзгаришлар меҳмонларда қизиқиш вакиллари сайловлар бўйича кузатув олиб бориш тартибига тўхталиб ўтди ва ўзларини қизиқтирган саволлари билан муурожаат қилди.

Учрашув Ўзаро самимий, дўстона кўтаринки руҳда ўтди.

Худди шундай мулоқот жорий йилнинг 27 сентябрь куни МДХ Парламентлараро Ассамблеяси Кенгаши бош котиби маслаҳатчиси С.Караваев ва МДХ Парламентлараро Ассамблеяси иштирокчи давлатларида демократиянинг ривожланиши, парламентаризм ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш халқаро институти эксперти С.Ткаченко билан ҳам ўтказилган эди.



Хуршид ҚУРБОНОВ, Навоий давлат педагогика институти проректори. ЎзХДП аъзоси:

— Бугун инсон зақосининг неларга қодирлигини шитоб билан ривожланиб бораётган рақамли технологиялар, илғор муҳандислик ишланмалари ва сунъий интеллект имкониятлари мисолида яққол кўриб турибмиз. Дунё англаб етайптики, ягона нажот – бу таълимда. Айниқса,

ҳозирги мураккаб ва инсоният учун тобора таҳликали тус олаётган замонада ўз тақдири, келажаги ҳақида қайғурган давлат ва жамият борки, таълимнинг барча бўгинини рақамли топтиришга ҳаракат қилаяпти. Жумладан, Ўзбекистон ҳам. Таълим сифати ва ривожига эса соҳа фидойилари – ўқитувчи-педагогларнинг, мураббий-тарбиячиларнинг машаққатли меҳнати билан чамбарчас боғлиқ.

Жамиятимизда ўқитувчининг обрўини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва меҳнатини рағбатлантириш йўлида кўп яхши ишлар қилиняпти, тўғри. Бирок, фикримча, бундай эътибор ва ғамхўрликнинг қамровини, самарадорлигини янада ошириш керак. Шу маънода келгуси ўқув йилидан халқаро стандартлар асосида малака сертификатини бериш йўлга қўйилиб, синовларда 86 ва ундан юқори балл олган педагоглар қўшимча 70 фоиз устама олиши ўз устида ишлаб, касбий билим ва маҳоратини оширишдан тўхтамайдиган ўқитувчилар учун яна бир рағбат бўлади, десам янглишмайман.

Давлат раҳбари "Йил ўқитувчиси" танлови ўтказилиб, 208 та туман ва шаҳардан ғолиб бўлган ўқитувчиларга совға сифатида уй-жой берилишини эълон қилди. Шунингдек, ҳар йили санаторий ва дам олиш масканларига юбориладиган ўқитувчилар сони 2 баробар ошириладиган бўлди.

Маълумки, мактаб директорларини ўқитиш тизими жорий этилган, улардан 1 минг 206 нафари менежерлик сертификатига эга бўлди. Ҳозир ана шу директорларга ўртача 3 миллион сўм устама берилмоқда. Энди бу амалиёт 2025 йил 1 сентябрдан боғча мудирларига ҳам татбиқ этилиши ва уларга ҳар ойда 30 фоизгача қўшимча устама тўланиши мактабгача таълимда ҳам янги ўзгаришларга пойдевор яратади.

Шуни унутмаслигимиз керакки, синфидоғи ҳар бир боланинг келажаги учун ўзини масъул билган, унга ўз фарзандидан кам меҳр бермаган, жонкуяр ўқитувчилар чиндан ҳам халқнинг ноёб бойлигидир. Улар ҳамisha эъозга, эҳтиромга муносиб.

"Ўзбекистон овози" муҳбири Фарида МАҲКАМОВА ёзиб олди.



Шоҳишта ТУРҒУНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Таълимда, маърифатда орқада қолишга ҳаққимиз йўқ. Айниқса, ҳозирги замонада.

Очиги, ўзим ҳам педагог бўлганимдан, шу касбни танлаганимдан доимо фахрланаман. Айни пайтда глобал тараққиётдан ортада қолмаслигимиз учун биз, педагоглар зиммасида қанчалик масъулиятли вазифалар турганини чуқур ҳис қиламан.

Мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқда улкан мақсадлар белгиланган. Уларни амалга ошириш ва тараққиётнинг шундай жадал суръатда давом этиши ёш авлоднинг билим-тафаккурига, маънавиятига, ватанпарварлигига боғлиқ. Ҳар бир ўғил-қизда бундай фазилатларни уйғотиш ва камолга етказиш ўқитувчининг бош вазифасидир. Ўқитувчи бу вазифани удаллаши учун эса уни ҳуқуқий, ижтимоий ва волиевий қўллаб-қувватлаш зарур.

Бир эслилик, яқин йилларгача сентябрь келиб, янги ўқув йили бошланди, дегунча пахта далаларига йўл олар эдик. Ёки ободонлаштириш ишларига ҳам ўқитувчилар жалб қилинарди. Бугун эса ўқитувчи, юмшоқ қилиб айтганда, ўзига тааллуқли бўлмаган бу юмушлардан кутулди. Унинг биргина вазифаси бор,



Қизилгул ҚОСИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Таълим-тарбия узвий ва ҳамоҳанг ривожланиши учун жамиятда ҳар томонла-

ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ АВЖИДА

ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИДАН
ДЕПУТАТЛИККА
КЎРСАТИЛГАН
НОМЗОДЛАРНИНГ
САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН
УЧРАШУВЛАРИ ҚИЗГИН
СУРЪАТДА ДАВОМ
ЭТМОҚДА.



Андижондаги Машинасозлик институтида ўтган тадбирда "Биргаликда ижтимоий давлат сари" шиорини ўзида мужассам этган партия мақсадлари аниқ вазифалар рўйбига қаратилгани билан аҳамиятли экани алоҳида таъкидланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод М.Зайлобидинов, маҳаллий Кенгашларга кўрсатилган номзодлар М.Султонова, Б.Қурбонов ҳамда М. Жалолов ва бошқалар партия Сайловолди дастуридаги асосий йўналишлар, шунингдек, ўз дастурлари ҳақида атрафлича маълумот бердилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясига кўра, давлат аҳоли кенг қатламининг манфаатларини тўлақонли таъминлаш мақсадида кучли ижтимоий сиёсат юритиши лозим. Шу нуқтаи назардан Сайловолди дастурида бир қатор муҳим ғоя-ташаббуслар илгари сурилмоқда. Хусусан, дастурнинг бешинчи йўналиши ёшларнинг сифатли таълим олишига

қаратилган бўлиб, фуқаролар барча таълим муассасаларида сифатли мактабгача, ўрта, олий таълим, шунингдек, касбий таълим олиши, малакасини ошириши учун тенг имкониятлар яратиш устувор мақсад сифатида келтирилган.

Самимий кечган мулоқотда сайловчилар, институтнинг профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан депутатликка номзодларга, партия фаолларига юзланди. Ўз ўрнида ХДП Сайловолди дастуридаги ҳақчил ва халқчил таклифлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Учрашувда сўзга чиққан фаоллар сайловда Халқ демократик партиясидан депутатликка номзодларни қўллаб-қувватлашга, сайловда ўз фуқаролик позициясини намоён этган ҳолда фаол иштирок этишга даъват қилишди.

ЎзХДП Жиззах вилоят Кенгаши томонидан Мирзачўл туманида жойлашган 10-сонли умумтаълим мактабида галдаги сайловолди тарғиботи бўлиб ўтди.

Мулоқотда ХДП Сайловолди дастуридан ўрин олган ижтимоий ҳимояни кучайтириш, пенсия тизимига ўзгартиришлар киритиш, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ таклиф ва ташаббуслар мазмун-моҳияти аниқ мисоллар асосида очиб берилди.

Дастурда таълим йўналиши бўйича кўплаб таклифлар ўрин олган. Мактаблар ўқув дастурларида чет тиллари ва ИТ бўйича ўқув соатларини кескин кўпайтириш шулардан биридир.

Қайси соҳани олмайлик, етук мутахассис бўлиб етишиш учун тил ва замонавий инновацион технологияларни билиш талаб этилмоқда. Демак, чет тиллари ва ИТ ни ўрганиш бугун давр талабига айланганига гувоҳ бўляемиз. Ёшларимиз келажақда ўзи танлаган соҳада етук мутахассис бўлиб, жамият ривожига ҳисса қўшиши учун улар бугундан хорижий тилларни, дунё маданиятини ва ИТ ни мукамал ўзлаштириб бориши керак.

— Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастури билан танишар эканмиз, ундаги ёшларимизни таълимнинг барча даражалари билан қамраб олишга қаратилган ташаббуслар алоҳида эътиборимни тортганини айтишим керак, — дейди

тадбир иштирокчиси Гулнора Миркомилова. — Билим инсонни комилликка кўтариш билан бирга, у яшаётган жамият ва мамлакатни ҳам юксалтиради. Инсонда билим ва интеллект таълим натижасида шаклланади. Шу боис давлат фуқароларнинг таълимга оид ҳуқуқларини амалга ошириши ўз зиммасига олиши муҳим масаладир. Партия Сайловолди дастурида айти шу жиҳатларга урғу берилгани аҳамиятли, албатта. Мактабгача, умумий ўрта, касб-ҳунар ва олий таълимда аҳолининг барча қатламига тенг имкониятлар яратишга қаратилган чораларни кўриш ҳаётий заруратдир.

Сўзга чиққан фаоллар Халқ демократик партиясидан депутатликка номзодлар дастурини қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қўйилган номзодлар билан мана шундай руҳдаги учрашув Мирзачўл туманидаги "Ўзбек-қозоқ" маданият марказида ҳам ўтказилди. Унда партия Сайловолди дастури ҳақида йўналишлар кесимида кенг маълумотлар берилди.



Хоразм педагогика институти қошидаги академик лицейда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга кўрсатилган номзодлар билан учрашув эса очик мулоқот тусини олди. Тадбирда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг асосий ғоялари, янги

Сайловолди дастуридаги энг муҳим ташаббуслар сайловчиларга чуқур тушунтириб берилди. Мулоқот савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Депутатликка номзодларнинг жойларда сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози" мухбири.



МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

O'zbekiston Ovozi

ТАХРИР НАЙ'АТИ:

Ulug'bek INOVATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihiddin MUHIDDINOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Toshtemir XUDOYQULOV

Бoш муҳаррир: То'лиқин ТО'РАХОНОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 8 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1037. 11168 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti —

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.